

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУВОХИДОВ ИҚБОЛЖОН ҚУРВОНАЛИ ЎҒЛИ**

**ИККИЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ АСОСИДА  
БИС-(2-ГИДРОКСИЭТИЛЕН)ТЕРЕФТАЛАТ СИНТЕЗИ ВА  
УНИНГ АСОСИДА БИРЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ  
ОЛИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of  
Philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Абдувохидов Иқболжон Қурвонали ўғли</b> Иккиламчи полиэтилентерефталат асосида бис -(2-гидроксиэтилен)терефталат синтези ва унинг асосида бирламчи полиэтилентерефталат олиш шароитларини ўрганиш .....	3
<b>Абдувохидов Иқболжон Қурвонали ўғли</b> Синтез бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталата на основе вторичного полиэтилентерефталата и условия получения первичного полиэтилентерефталата на его основе .....	23
<b>Абдувохидов Иқболжон Қурвонали ўғли</b> Synthesis of bis-(2-hydroxyethylene)-terephthalate based on secondary polyethylene terephthalate and conditions for obtaining primary polyethylene terephthalate based on it .....	43
<b>Эълон қилинганишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published of works.....	47

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДУВОХИДОВ ИҚБОЛЖОН ҚУРВОНАЛИ ЎҒЛИ**

**ИККИЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ АСОСИДА  
БИС-(2-ГИДРОКСИЭТИЛЕН)ТЕРЕФТАЛАТ СИНТЕЗИ ВА  
УНИНГ АСОСИДА БИРЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ  
ОЛИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2024**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги  
Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/T4549 рақам билан рўйхатдан ўтказилган

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) [www.tcti.uz](http://www.tcti.uz)  
манзили бўйича веб-саҳифада ва [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзили бўйича «ZiyoNET» ахборот-  
таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Адилов Равшан Иркинович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Тўлқин Жумаевич  
техника фанлари доктори, профессор

Муҳиддинов Баҳодир Фахриддинович  
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий  
даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «8»  
06 2024 йил соат «13» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011,  
Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А. Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (998-71) 244-79-20,  
факс: (998-71) 244-79-17, e-mail: [info@tcti.uz](mailto:info@tcti.uz), [www.tcti.uz](http://www.tcti.uz)). Тошкент кимё-технология  
институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин. № 784-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш.,  
Шайхонтохур тумани, А. Навоий кўч., 32-уй. Тел.: (998-71) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «6» 05 кун тарқатилди.  
(2024 йил «6» 05 даги № 434 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
С.М. Туробжонов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., академик

*[Signature]*  
Х.И. Кодиров  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

*[Signature]*  
Ғ.Р. Раҳмонбердиев  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семенар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жамиятнинг индустриал структурасининг асосий таркибий қисмига айланган. Бугунги кунда жаҳонда полиэтилентерефталат полимерини ишлаб чиқариш ҳажми 82,0 млн. тоннагача ортди. Полиэтилентерефталатнинг 27 %, тоннаси полимер қадоқлар - бутилкалар ишлаб чиқаришда, 65 % га яқини полиэфир тола олишда 8 % пленка ишлаб чиқаришда қўлланилади. Синтетик полиэфир толалар технологик хоссаларини тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мослаш ва ростлаш орқали такомиллаштириш долзарб муаммодир. Шу билан бирга иккиламчи хомашё, хусусан, иккиламчи полиэтилентерефталатни қайта ишлаб бирламчи полиэтилентерефталат ишлаб чиқаришни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Полиэтилентерефталат сақловчи маиший чиқиндиларни кимёвий қайта ишлаш билан халқ хўжалиги учун турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада иккиламчи полиэтилентерефталатни самарали қайта ишлаш, ионли суюқликлар билан алкоголизлаб бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олиш, этиленгликол билан турли нисбатларда ва ацетатлар, оксидлар, титан сақловчи бирикмалар, ионли суюқликлар иштирокида алкоголизга учратиб бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталат олиш, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида импорт ўрнини босувчи сифатли синтетик (полиэфир) тола ва ип ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уларни турли агрессив муҳитларда ишлаш самарадорлигини синовдан ўтказиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «маҳаллий хом-ашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада полиэтилентерефталатни қайта ишлаб иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган сифатли синтетик (полиэфир) тола ва ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд технологияларни доимий равишда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2-мартдаги ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иккиламчи полиэтилентерефталатни кимёвий қайта ишлаш, уларда гидроксилсақловчи олигомерлар олиш бўйича Baliga S., Li M., Luo J., Huang Y., Li X., Yu T., Ge M., Yanrong Geng., Tao Dong., Pengtao Fang., Qing Zhou., Xingmei Lu., Suojiang Zhang., Давыдова О. В., Лакеев С. Н., Майданова И. О., Карчевский С. Г., Калимгулова А. М., Ахтямова Р. Р., Медяник Н. Л., Калугина Н. Л., Варламова И. А., Гиревая Х. Я., Бодьян Л. А., Duque-Ingunza I., López-Fonseca R., Gutiérrez-Ortiz J. I., Liu S., Lima G.R., Gabriella R. Lima, Qian Wang, Джалилов А.Т., Магруппов Ф.А., Рафиков А.С., Набиева И.А., Алимухамедов М.Г., Адилов Р.И., Жураев А.Б. ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан иккиламчи полиэтилентерефталатни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқилган, дастлаб экструзия сўнгра фибрилизацияси йўли билан толалар олиш технологиялари жорий қилинган, этиленгликол билан турли нисбатларда ва турли каталитик системаларда алкоголизлаш шароитлари аниқланган, бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олиш тизимлари таклиф этилган.

Юқоридагиларга асосланиб ушбу диссертацияда иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликол билан алкоголизлаш қонуниятларини чуқур тизимли, алкоголиз таъсир қилувчи омиллар ҳамда поликонденсация жараёни бошқариш ҳисобига тола ҳосил қилиш талабларига жавоб берадиган бирламчи полиэтилентерефталат синтез қилиш тадқиқотлар тизимли тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170919142 «Полиэтилентерефталат маиший чиқиндилари асосида лок-буёқ материаллари, кўпиртирилган полиуретан композицияларини яратиш ва уларни амалиётга тадбиқи» (2019-2021 йй.) ва № 02/04 «Тўқимачилик саноати учун полиэфир толалари олиш ва улар асосида янги тузилишдаги тўқимачилик аралаш иплари ва газламалар ишлаб чиқариш янги технологияларини яратиш» (2020-2021 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳа ва ҳўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иккиламчи полиэтилентерефталатни алкоголиз жараёнини тизимли тадқиқ қилиш ва тола ҳосил қилувчи бирламчи полиэтилентерефталат олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иккиламчи полиэтилентерефталатнинг структураси ва хоссаларини ўрганиш;

иккиламчи полиэтилентерефталатни алкоголиз шароитларини тадқиқ қилиш;

алкоголиз махсулотининг структура ва хоссаларини ўрганиш;

алкоголиз махсулотларидан бирламчи тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат синтез қилиш, структура ва хоссаларини тадқиқ қилиш;

иккиламчи полиэтилентерефталатдан тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иккиламчи полиэтилентерефталат, этиленгликол, катализаторлар - рух ацетат, тетрабутоксититан, магний оксид, рух оксид, натрий карбонат, натрий гидрокарбонат, бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат, бирламчи полиэтилентерефталат олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иккиламчи полиэтилентерефталат асосида бирламчи полиэтилентерефталат олиш шароитларини, унинг структураси, физик-кимёвий хусусиятларининг қонуниятлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида олинган моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари, жумладан, физик-механик усуллар, ЯМР- ва ИҚ-спектроскопия, термогравиметрия ва дифференциал сканерловчи калориметрия ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иккиламчи полиэтилентерефталатнинг этиленгликол билан кимёвий деструкцияланиши аниқланиб, бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олишнинг оптимал шароитлари, мақбул нисбатлари ва чиқиш унумига таъсир қилувчи омиллари асосланган;

алкоголиз жараёнини ҳароратини ИПЭТ: ЭГ = 1:4 эл.занжир мол/мол нисбатида 190 дан 196 °С ортганда бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатни чиқиш унуми 67,5 дан 83,5 % гача ошиши аниқланган;

синтез қилинган бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат тузилиши ва хоссалари физик-кимё ва замонавий ИҚ- ва ПМР-спектрлари ёрдамида аниқланган ва натижада айнан ўзилиги аниқланган;

алкоголиз жараёнида тетрабутоксититан, натрий гидрокарбонат, рух ацетатига ўтган сайин кучли асосли катализатор (рух ацетати) фаоллигини исботланган;

олинган бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат асосида тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат олиш режимлари аниқланган;

полиэтилентерефталат поликонденсация жараёнини босқичли олиб бориш (40 дақиқа, 260 °С, 2 соат, 280 °С) намунани ўртача молекуляр массаси (23500 г/мол) саноат аналог кўрсаткичидан қолишмаслиги аниқланган;

тола ҳосил қилувчи бирламчи полиэтилентерефталат олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иккиламчи полиэтилентерефталат каталитик ўзгаришлари орқали бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олишнинг мақбул шароит аниқланган;

алкоголиз маҳсулотлари асосида полиэтилентерефталат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулоти - бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат асосида тола олишнинг мақбул шароит аниқланган;

бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат асосида полиэстер тола ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** синтез қилинган бирикмалар структураси ва хоссаларини термогравиметрик, дифференциал термик (LABSYS EVO STA дериватограф), ЯМР- ва ИҚ-спектроскопия (IRTracer-100) каби физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаш натижалари билан аниқланади, олинган натижаларни қиёсий таҳлил асосида маҳаллий ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, иккиламчи полиэтилен-терефталатни этиленгликол билан алкоголизлаб, бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталат ҳосил бўлиш механизмлари исботланганлиги, алкоголиз маҳсулотлари асосида полиэтилентерефталат олиш қонуниятларининг асосланганлиги, полиэтилентерефталат толаси ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган усули аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рух ацетат катализатори иштирокида иккиламчи полиэтилентерефталатнинг этиленгликол билан алкоголиз маҳсулоти асосида, поликонденсация жараёни бошқариш орқали талабларига мос бирламчи полиэтилентерефталат толасини ишлаб чиқаришда қўллашга ҳизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иккиламчи полиэтилентерефталат асосида бирламчи полиэтилентерефталат олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рух ацетат катализатори иштирокида бирламчи полиэтилентерефталатни алкоголизлаш технологияси «DEGREZ TEKS LTD» ҚҚнинг «2023-2025 йиллардаги амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси «O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмасининг 2023 йил 19 майдаги 03/25-1098-сон маълумотномаси). Натижада, бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат бирламчи полиэтилентерефталат полиэстер тола тизимида импорт ўрнини босувчи тола ишлаб чиқариш имконини беради;

иккиламчи полиэтилентерефталатнинг алкоголиз маҳсулоти асосидаги полиэфир тола олиш технологияси «DEGREZ TEKS LTD» ҚҚнинг «2023-2025 йиллардаги амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси «O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT» уюшмасининг 2023 йил 19 майдаги 03/25-1098-сон маълумотномаси). Натижада, импорт қилинувчи «Pet polyester Bhilosa» (Хиндистон) толасини юқори сифатли маҳаллий полиэфир тола билан алмаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 2 та Республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, адабиётлар шарҳи, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Иккиламчи полиэтилентерефталатларни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган **биринчи** бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Сўнги йилларда иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликол билан алкоголиз жараёни, таъсир қилувчи омиллар, бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат чиқиш маҳсулотига катализаторлар табиати таъсири таҳлили келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги шарҳлари тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Иккиламчи полиэтилентерефталатдан тола хосил қилувчи полиэтилентерефталат синтез қилиш тадқиқот объекти ва жараёни тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган **иккинчи** бобида тадқиқотларни олиб бориш бўйича дастлаб хом-ашёлар ва катализаторлар танлаш, уларнинг асосий физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари келтирилган. Иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликол билан алкоголиз жараёнини олиб бориш усуллари ва улар асосида полиэтилентерефталат ишлаб чиқариш усуллари баён қилинган ҳамда лаборатория тажрибалари келтирилган. Алкоголиз маҳсулотлари тузилиши ўзгаришларини ДСК, ИК-спектроскопик усуллари баёни келтирилган.

Диссертациянинг «**Иккиламчи полиэтилентерефталатдан бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олиш шароитларини оптималлаштириш**» деб номланган **учинчи** бобида иккиламчи полиэтилентерефталат структураси, хоссалари, ДСК ва ИК спектр анализлари аниқланган ва натижада иккиламчи

полиэтилентерефталатнинг суюқланиш ҳарорати 232-239 °С эканлигини аниқланган.

Дастлаб тадқиқотларни стандарт усулда ИПЭТ:ЭГ = 1:4 эл. занжир/мол нисбатда рух ацетати катализатори иштирокида ўрганилиб, таркиби ўрганилди. Таркибини ўрганиш учун ювиш усулда келтирилган бўйича 4 та фракцияга бўлиниб, 2-3 фракциялари физик-кимёвий таҳлил натижаларига кўра ўртача молекуляр массаси 262 ва суюқланиш ҳарорати 109-110 °С (1-расм) кўрсатгани, айнан бис-(2- гидроксиэтилен)терефталат эканлиги ва чиқиш унуми 64,35 %, қолгани эса димер, тримерлардан иборатлиги аниқланди.



**1-расм. Иккиламчи поли-этилентерефталат асосида бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталатни ДСК натижалари**

Тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликол билан алкоголиз қилинганда бис-(2- гидроксиэтилен)-терефталатнинг чиқиш унуми 64,35% ни ташкил этган бўлса, тадқиқот давомида бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат чиқиш унумига алкоголиз жараёни ва катализатор миқдорини таъсирини ўрганилган.

**1-жадвал**

**Синтез шароитларининг бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат унуми ва хоссаларига таъсири**

Алкоголиз давомийлиги, соат	Катализатор миқдори, % Рух ацетат	Физик-кимёвий хоссалари						Куб қолдик %	БГТФ унуми %
		Ўртача молекуляр масса			Суюқланиш ҳарорати, °С				
		1-ая фракция	2-ая фракция	3-ая фракция	1-ая фракция	2-ая фракция	3-ая фракция		
8	0,5	580	280	225	164	112	110	7,26	64,4
10	0,5	893	261	232	164	112	109	5,48	67,5
10	0,7	730	250	236	164	111	110	5,91	67,5
10	1,0	780	253	228	169	109.5	108	5,93	67,5
Тетрабутоксититан									
8	0,5	731	240	-	166	110	-	4,48	67,6
10	0,5	745	245	-	165	112	-	4,71	70,0
10	0,5	725	261	-	168-170	108-110	-	4,61	70,1

Бунда алкоголизнинг давомийлигининг 10 соатгача ва рух ацетат катализатори концентрациясининг 1% гача оширилиши, бис-(2-гидрокси-

этилен)-терефтлат чиқиш унумининг 67,5% гача ошишига олиб келди. Бис-(2-гидроксиэтилен)терефтлат чиқиш унумини оширишнинг яна бир усули бу катализаторни ўзгартиришдир. Шу мақсадда, алкоголизлаш жараёнини рух ацетат катализатори ўрнига 0,5% тетрабутоксититан иштирокида ўтказиш шуни кўрсатдики, алкоголиз давомийлиги 8 соат, катализатори концентрацияси 0,5% бўлганда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефтлатнинг чиқиш унуми 67,6% деярли ўзгармаган бўлса, жараён давомийлигини 10 соатга ортганда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефтлат унуми 70,1 га оширишга олиб келади (катализатор миқдори 0,5% бўлганда ҳам). Шу билан бирга ушбу системада 3 фракция деярли чиқмаганлиги маълум бўлди, бу эса хосил бўлган сегмент фракцияси тақсимоти кичиклигидан далолат беради (1-жадвал).

Шундан сўнг бис-(2-гидроксиэтилен)-терефтлатнинг чиқиш унумини янада чуқурак ўрганиш мақсадида алкоголиз жараёнида давомийлигини 10 соат белгилаб ИПЭТ:ЭГ нисбатини 1:4 дан 1:12 эл.занжир моль/мол гача оширилди. Бунда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефтлатнинг чиқиш унумини 64,4 дан 80,1 % гача ошганлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### ИПЭТ :ЭГ нисбати 1:4-12 эл. занжир моль/мол бўлганда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефтлатнинг чиқиш унуми

№	Моль нисбати	Вақт, соат	Катализатор миқдори, % (рух ацетати)	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:5	10	0,5	190	64,7
2	1:8	10	0,5	190	74,5
3	1:10	10	0,5	190	77,9
4	1:12	10	0,5	190	80,1

Бундан кўришиб турибдики, алкоголиз учун олинган этиленгликол миқдори ортиши алкоголиз жараёни чуқур кетишидан далолат берди.

Катализатор сифатида тетрабутоксититан олинганда, алкоголиз жараёни 10 соат, ИПЭТ:ЭГ нисбати 1:4 дан 1:12 эл.занжир мол/ молгача оширилганда бис-(2-гидроксиэтилен) терефтлатнинг чиқиш унумини 61,7 % дан 70,1 % гача ошганлигини кўриш мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### ИПЭТ :ЭГ моль нисбати 1:4 дан 1:4-12 молгача оширилганда бис-(2-гидроксиэтилен) терефтлатнинг чиқиш унуми

№	моль нисбати	вақт, соат	Катализатор миқдори, % (тетрабутоксититан)	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:5	10	0,5	190	65,64
2	1:8	10	0,5	190	67,6
3	1:10	10	0,5	190	70,0
4	1:12	10	0,5	190	70,1

Рух оксиди ўрнига тетрабутоксититанга алмаштирилганда бир хил система учун бис-(2-гидроксиэтилен)терефтлатни унуми этиленгликол миқдори ортиши билан деярли ортмаганини кўришимиз мумкин, бу эса бизнингча

тетрабутоксититанасосли жараёнда катализаторнинг бир хил нисбатида жараён давомийлиги ортиши билан ҳосил бўлган кичик сегментлар яна қайта ўзаро киришиб поликонденсацияга учраши ва қўшимча тример, тетрамерлар ҳосил бўлишини кўрсатди.

Бунга аниқлик киритиш учун икки хил вақт давомилигида бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатни чиқиш унумини солиштирдик (4-жадвал) ва натижада ИПЭТ:ЭГ=1:4 эл занжир мол/мол, катализатор 1 %, бўлганда жараён давомийлиги 8 соатдан 10 соатгача ортганда рух ацетати катализатори ҳолатида бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатнинг чиқиш унуми деярли ўзгармади, тетрабутоксититанда эса мос раишда 67,6 % дан 61,73 % гача камайишини кўриш мумкин. Ушбу шароитда эса биз таклиф қилаётган фарзани яна бир тасдиғини англашимиз мумкин.

#### 4- жадвал

#### ИПЭТ : ЭГ моль нисбати 1:4, ИПЭТ :ТБТ моль нисбати 100: 0,5) бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг чиқиш унуми

№	Моль нисбати	Вақт, соат	Катализатор миқдори, %	Ҳарорат, °С	Унум, %
Рух ацетати					
1	1:4	8	1	190	67,5
2		10	1	190	67,56
Тетрабутоксититан					
3	1:4	8	1	190	67,63
4		10	1	190	61.73

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, шу система учун иккиламчи полиэтилентерефталатдан 190 °С 1 атм, 8-10 соатда чиқиш унуми юқори бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олиш мумкинлиги аниқланди.

Адабиётлардан маълумки, алкоғолиз жараёнига реакция ҳарорати ва давомийлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шуларга аниқлик киритиш ҳамда бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатнинг чиқиш унумини кўпайтириш мақсадида кейинги тадқиқотларимизни ҳарорат кўрсаткичини оптималлаштиришга қаратдик.

#### 5- жадвал

#### Бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат чиқиш унумига ҳароратнинг таъсири (катализатор рух ацетат)

№	моль нисбати	вақт, соат	Катализатор миқдори, % (рух ацетати)	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:4	4	1	196	83,1
2	1:5	4	1	196	77.5
3	1:10	4	1	196	80,3

Тадқиқотларда ИПЭТ:ЭГ 1:4, 1:5 ва 1:10 эл.занжир мол/мол нисбатларни танлаб олдик. Давомийликни эса юқорида паст ҳароратда 8-12 соатгача ўрганилганда пастки кўрсаткичи 4 соат давомийлигини танлаб олганмиз. Бунда алкоғолиз жараёни 4 соат, ҳароратни 190° дан 196° га ўзгартириб, катализатор

сифатида рух ацетатини қўллаганимизда, бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг чиқиш унуми 83,1 дан 80,3 % га камайганини кузатиш мумкин (5-жадвал), тетрабутоксититан ҳолатида эса (6-жадвал) 78,7 дан сал 79,2% гача ошганлигини кўриш мумкин.

**6- жадвал**

**Бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат чиқиш унумига этиленгликол моль нисбатининг таъсири (катализатор тетрабутоксититан)**

№	моль нисбати	вақт, соат	Катализатор миқдори, % (тетрабутоксититан)	Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:4	4	1	196	78,7
2	1:5	4	1	196	75,1
3	1:10	4	1	196	79,2

Жадвалда қисқа вақт ичида 196°С ҳароратда чиқиш унуми юқори (83%) бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталатни олиш мумкинлиги аниқланган. Бу эса синтез режимини ростлаб, керакли алкоголиз маҳсулоти олиш имкониятини келтиради.

Ҳудди шу шароит (ҳарорат 196 °С) да катализатор турини тетрабутоксититан дан рух ацетатга ўзгартирилганда эса бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг чиқиш унуми 83 % гача ошганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики 196 °С кам вақт давомида чиқиш унуми юқори бўлган бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат олиш мумкинлигини кўрсатиб бердик.

Алкоголиз маҳсулотининг физик-кимёвий хоссалари ИПЭТ:ЭГ 1:5-12 нисбатларида тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, алкоголиз жараёнига ҳарорат ва вақт доимийлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Жараён 190 °С да олиб борилганда бис-(2- гидроксиэтилен)терефталатнинг унуми энг юқори 67,5 % (катализатор рух ацетатида) ва 71,7 % (катализатор тетрабутоксититанда), 196 °С да олиб борилганда бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг унуми энг юқори 83,5% (катализатор рух ацетатида) ва 79,2 % (катализатор тетрабутоксититанда) бўлиши аниқланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, алкоголиз маҳсулоти чиқиш унумига деструкцияловчи агент миқдорининг таъсири ўрганилганда ҳам кўйидаги маълум бўлдики, этиленгликолни миқдорини 1-12 молгача ортганда (катализатор рух ацетати миқдори 0,5-0,7 %, ҳарорат 190 °С, давомийлик 8-10 соат) бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатнинг унуми 64,35 % дан 67,5 % гача , тетрабутоксититанда эса 67,63 % дан 70,1 % гача ортганини аниқладик. Юқори ҳароратда эса мос равишда, шу каби қонуният аниқланди, бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталатнинг унуми 78,7 % (катализатор рух ацетатида) ва 75,2 % (катализатор тетрабутоксититанда).

Алкоголиз жараёнига таъсир қилувчи омил - катализаторни қўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, шу система учун бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталат чиқиш унумига турли хил катализаторларнинг таъсирини ўргандик.

Алкоголизилаш жараёнига катализатор табиати ва миқдорининг таъсири. Айрим олимларнинг илмий ишларида катализаторлар сифатида металл оксидлари, карбонатлари ишлатилганлиги ҳамда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталатнинг унумига таъсири ўрганилганлиги учун кейинги ишларимизда бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталатнинг чиқиш унумига турли катализаторлар таъсири ўрганилди. Бунда ИПЭТ:ЭГ нисбатини 1:5 эл.занжир мол/мол, давомийлиги 6 соат, ҳарорат 196 °С ва катализатор миқдори 1% деб танлаб олинган. Катализатор сифатида MgO, ZnO, NaHCO<sub>3</sub>, Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>, каби оксид ва тузлари олинди. 7-жадвалдан кўриниб турибдики, бир хил синтез шароитида катализаторлар 1 дан 6 тартиб рақами бўйича ўтиши билан бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат унуми 64,5 % дан 81,17 % (рух ацетат ҳолатида) гача ошганлигини кузатишимиз мумкин.

#### 7-жадвал

#### Бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат ҳосил бўлиш унумига катализатор таъсири

№	моль нисбати	вақт, соат	Катализаторлар тури ва миқдори, %		Ҳарорат, °С	Унум, %
1	1:5	6	ТБТ	1	196	73,8
2	1:5	6	ZnO	1	196	64,5
3	1:5	6	NaHCO <sub>3</sub>	1	196	79,8
4	1:5	6	MgO	1	196	65,8
5	1:5	6	Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub>	1	196	64,82
6	1:5	6	Zn(Ac) <sub>2</sub>	1	196	81,17

Шу билан бирга NaHCO<sub>3</sub> бошқа MgO, ZnO, Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> ларга нисбатан фаоллиги билан ажралиб турди. Тадқиқотларимиздан шу маълум бўлдики, бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг чиқиш унумига ҳарорат, вақт давомийлиги, турли катализаторлар таъсири ўрганилганда энг яхши натижа рух ацетатида 81.1 % ни ташкил қилиши аниқланди.

Бошқа катализаторларга қараганда рух ацетатида бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатнинг тозалик даражаси яхшироқ эканлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижасида полиэтилентерефталатни алкогольиз жараёнига турли катализаторларнинг таъсирини ўрганишидан қўйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

- биринчи полиэтилентерефталатни қайта ишлашда катализатор сифатида кислотали металл тузлар фойдаланиш бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат юқори чиқиш унумини таъминлашга олиб келиши аниқланди;


- қўлланилган металл тузлари ичида рух ацетат энг кўп қўлланилиб, энг яхши самарадорлик берганлиги маълум бўлди;

Тадқиқотларимизда натижасида иккиламчи полиэтилентерефталатни алкогольиз жараёнига оптимал шароит қилиб танладик:

- ҳарорат 190 °С да, алкогольиз давомийлиги 10 соат, ИПЭТ :ЭГ моль нисбати 1:12, катализатор миқдорини 0,5% бўлганда бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатнинг унуми 80,1% ни,

- ҳарорат 196 °С , давомийлик 4 соат, ИПЭТ :ЭГ моль нисбати 1:4 катализатор миқдорини 1% бўлганда бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатнинг унуми 83,1% ни ташкил қилди.

Алкоголиз маҳсулотидан полиэтиленфталат синтез қилиш. Ушбу жараёнларнинг реакция тенгламалари қуйида келтирилган:




Синтез қилинган полиэтилентерефталатни ўртача молекуляр массаси визкозиметрик усулда (визкозиметр капилляр диаметри 1,31 мм,  $K=1,7 \cdot 10^4$ ,  $\alpha=0,83$ ) аниқланди. Ушбу константалар ҳар бир намунани аниқлаш учун фойдаланилди. Олинган натижалар қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

**8-жадвал**

**Полиэтилентерефталатнинг 60/40 дихлорэтан/фенолдаги суялтирилган эритмасининг ўтиш вақти ва қовушқоқликлари**

Эритма концентрацияси, %	Эритманинг ўтиш вақти, сек	$\eta_{\text{нис}} = t_1/t_0$	$\eta_{\text{сол}} = t_1/t_0 - 1$	$\eta_{\text{кел}} = \eta_{\text{сол}}/C$	$\eta_{\text{лог}} = \ln \eta_{\text{нис}}/C$	$[\eta]$
0 (эритувчи)	25	—	—	—	—	—
0,5	41.4	1.65	0.65	0.65	1	0.8
0,25	40.15	1.6	0.6	0.72	0.83	
0,125	37.6	1.5	0.5	0.7	0.71	
0,0625	36.25	1.45	0.45	0.75	0.6	

Олинган натижалар асосида эритманинг характеристик қовушқоқлиги ва эритманинг концентрацияси орасидаги боғлиқлик графиги тузилди ва қуйидаги 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Полиэтилен-терефталат учун характеристик қовушқоқлигининг эксполяция эгри чизиғи**

Юқорида келтирилган Марк-Кун Хаувинк тенгламасига мувофиқ полимернинг ўртача молекуляр оғирлиги аниқланди. Полиэтилентерефталат учун  $K$  ва  $\alpha$  нинг қийматлари  $\eta = 0,8$  га тенг бўлди. Аниқланган кўрсаткичлар 9-жадвалда келтирилган.

Аниқланган омиллар асосида олинган бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат асосида полиэтилентерефталат синтез қилишга эришилди ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўргандик (10-жадвал).

### 9-жадвал

#### Олинган бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат ва улар асосида синтез қилинган полиэтилентерефталатни хоссалари

№	Номи	Суюқланиш ҳарорати, °С	Ўртача молекуляр масса (г/моль)
1.	Тоза ПЭТ	253-258	29510~42657
2.	Иккиламчи ПЭТ	220-238	19952
3.	БГТФ (ДМТФ) асосида ПЭТ	239-247,13	22838
4.	БГТФ асосида ПЭТ	245-248,1	23896

9-жадвалдан кўришиб турибдики, олинган бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталат асосидаги полиэтилентерефталат ўртача молекуляр массаси умум қабул қилинган полиэтилентерефталат молекуляр массасига мос келишини кўрсатди. Ушбу кўрсаткичлар ДСК натижалари билан тасдиқланди, унга кўра бирламчи полиэтилентерефталатнинг суюқланиш ҳарорати 253-258 °С, бис-(2-гидроксиэтилен) терефталатдан олинган полиэтилентерефталатники 248,1°С ва диметилтерефталат асосидаги полиэтилентерефталатники эса 247.13 °С эканлигини кузатишимиз мумкин.

Замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида олинган бис-(2-гидроксиэтилен)-терефталат асосида полиэтилентерефталатни тузилиши ва хоссалари мослигини қайд қилинди. Бу эса тадқиқот натижасида барча технологик жараёнларни тўғри бажарганимиздан далолат беради.

### 10-жадвал

#### Синтез қилинган полиэтилентерефталат ва саноат намуналарини технологик хоссалари


Номи	Кўрсаткичлар		
	Характеристик ковушқоқлик, [η]	Ўртача молекуляр оғирлиги г/моль	Зичлик, г/см <sup>3</sup>
Бирламчи ПЭТ	0,91	42657	1.394
Иккиламчи ПЭТ	0,63	19952	1.248
ДМТФ асосида ПЭТ	0,73	23865	1.284
БГТФ асосида ПЭТ	0,68	21896	1.278

10-жадвалдан кўришиб турибдики, иккиламчи полиэтилентерефталат этиленгликол билан алкоголизлаб, олинган бирламчи полиэтилентерефталатнинг физик-кимёвий хоссалари, бирламчи полиэтилен терефталат ва анъанавий усулларда олинадиган полиэтилентерефталатлар билан солиштирилганда уларнинг физик-кимёвий хоссалари яқинлиги аниқланди. Олинган натижалар ўзини аниқлиги ва қайтарувчанлиги билан ўз тасдиғини топди.

Диссертациянинг «Алкоголиз маҳсулотларидан тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат олишнинг технологик схемаси ва техник-иктисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида тола ҳосил

қилувчи полиэтилентерефталат ишлаб чиқаришнинг технологиялари ёритилган (3- ва 4-расмлар).


Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида лаборатория шароитида синтез қилинган полиэтилентерефталатни физик-кимёвий ва замонавий таҳлил усуллари билан мос келиши технологик режимларни ишлаб чиқаришга хизмат қилди.



**3- расм. Иккиламчи полиэтилентерефталатдан бис -(2-гидроксиэтилен) терефталат ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси**

1, 2, 3—дозатор сиғимлар; 4, 9—электр двигатель; 5, 8—реактор; 6- совутгич; 7, 10—насос; 11, 13—фильтр; 12- совуқ сув; 14- дистиллятор; 15—вакуум насос.

Бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат олиш учун 1,2,3 - дозаторлар-дан, иккиламчи полиэтилентерефталат ва этиленгликол ҳамда катализатордан керакли микдорда ўлчаниб, реакторга қуйилади. Реактор (5) да 190 - 195 °С ҳароратда 4-8 соат давомида аралаштиргич (4-9) да аралаштирилиб турилган ҳолатда реакция олиб борилади.



**4- расм. Иккиламчи полиэтилентерефталатдан бирламчи полиэтилентерефталат олиш ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси**

1, 2, 4—дозатор сиғимлар; 3—люк; 5, 9—реактор; 6—электр двигатель; 7, 10—совутгич; 8—насос; 11— вакуум насос; 12—сиғимлар


Реакцияда конденсатланган этиленгликол 6-совутгич орқали реакция мухитига қайтарилади. Сўнгра ҳосил бўлган алкоголиз маҳсулоти ажратиб олиш учун 7-10 насос орқали иккинчи реактор 8-га ўтказилади, бу ерда алкоголиз маҳсулоти ва ундан 4 марта кўп дистилланган сув билан 90-95 °С ҳароратда, 25-30 минут давомида ушлаб турилади ва фильтр 11-орқали

фракцияларга ажратилади (1-фракция). Фильтрдан ўтган сувли қисми 12 – совутгичда 0-2 °С ҳароратда яна 13-фильтрланади (2-фракция). Қолган қисми эса 14- дистиллятор орқали сув ва этиленгликол ажратилади. Бунда вакуум системада ҳосил қилинади.

Бирламчи полиэтилентерефталат олиш икки хил усулда амалга оширилган:

*Биринчи усул*- бунда (3- расмда) олинган бис-(2-гидроксиэтилен) терефталат 9-реакторга солинди. Синтез жараёни инерт мухит -10 да, 11-вакуум остида (-1кгк/м<sup>2</sup>) 1-2 соат мабайнида 270-280 °С ҳароратда олиб борилди.

*Иккинчи усул* - бунда 1,2,4 - дозаторлардан, иккиламчи полиэтилен-терефталат ва этиленгликол ҳамда катализатордан керакли миқдорда ўлчаниб, реакторга қуйилади (4-расм). Реактор (5) да 195±2 °С ҳароратда 4-8 соат давомида аралаштиргич (6) да аралаштирилиб турилган ҳолатда 7-10 инерт мухитда реакция олиб борилди. Синтез жараёни тугагач, 8-насос орқали 9-реакторга ўтказилди ва бу ерда синтез жараёни инерт мухит -10 да, 11-вакуум остида 1-2 соат мабайнида 270-280 °С ҳароратда олиб борилди. Бу жараён поликонденсацион жараён бўлиб, ортиқча ЭГ ажралиб чиқади ва 12-идишга йиғилиб бошланғич реакция мухитига қайтарилди.



**5-расм. Саноатда ПЭТ тола олиш технологик схемаси**

Бунда, олинган полиэтилентерефталат 1- бункер орқали экструдерга солинади. Экструдерда 3 та бўлим бўлиб, 1-бўлимда полиэтилентерефталат яхшилаб аралаштирилади, ҳарорат 190-220 °С да, 2- бўлимда полиэтилен-терефталат эрийди, ҳарорат 230-250 °С да, 3- бўлимда суюқ ПЭТ 3-насос орқали 4- фильерага пуркалади. Фильерадан чиқаётган ПЭТ тола 5-совитиш йўли орқали 6-совитиш камерасидан ўтиб, 7-8-9- бобинада тортилиб ўралади ва 10-11-да ПЭТ тола олинади.

Иккиламчи полиэтилентерефталат асосида олинган ПЭТ толаларнинг ярим саноат синовлари “DEGREZ TEKS LTD” корхонасида амалга оширилди (11-жадвал).

**11-жадвал**

**Синтез қилинган ПЭТ нинг хоссалари**

Кўрсаткичлар	ПЭТ толаси (ИПЭТ нинг алкоголизи дан олинган)	ПЭТ толаси (ИПЭТ нинг алкоголизи дан олинган)	ПЭТ толаси (ДМТ олинган)	ПЭТ толаси (ИПЭТ нинг (ПАВПЭТ) дан олинган)	ПЭТ толаси (ИПЭТнинг алкоголиз маҳсулоти (ПАВПЭТ) дан олинган)
	20 дақиқа, 260 °С, 40 дақиқа, 280 °С	40 дақиқа, 260 °С, 2 соат, 280 °С	20 дақиқа, 260 °С, 40 дақиқа, 280 °С	20 дақиқа, 260 °С, 40 дақиқа, 280 °С	40 дақиқа, 260 °С, 2 соат, 280 °С
Давомийлиги (соат)					
Полимеризацион плита (°С)	237-245	250-257	242-255	230-234	245-252
Характеристик ковушоқлиги, (дл/г)	0,58-0,6	068-071	0,64-0,68	0,54-0,58	0,63-0,68
Ўртача молекуляр массаси, (г/моль), (Вискозиметрия)	18326-19903	21038-23698	19503-22008	17365-17921	19903-21987

**12-жадвал**

**100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталатни ишлаб чиқариш учун хомашёлар нархи**

№	100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат	100 кг маҳсулот олиш учун сарф, кг	Микдор 1 кг массага тўғри келадиган сўм	Микдор 100кг массага тўғри келадиган сўм
1	Иккиламчи полиэтилентерефталат	143,7	4500	6 46650
2	Этиленгликол	46,4	12000	556800
3	Рух ацетат	1,437	130000	186810
4	Азот газ	10,0	350	3500
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100 %</b>		<b>1393760</b>

12-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра 100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталатни олишга хомашё учун 1393760 сўм сарфланди. Ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари кейинги 13-жадвалда келтирилган.

**100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталатни ишлаб чиқаришнинг  
умумий харажатлари**

Номланиши	Нархи, сўм
Иш ҳақи, сум/1 кун	100 00
Ягона ижтимоий тўлов 12%	12 00
100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат	1393760
Қўшимча харажатлар	300 00
Кутилмаган ҳолатлар	150 00
Фойда 5%	2 138 60
ҚҚС 7%	2 994 04
Умумий	1963224

100 кг тола ҳосил қилувчи полиэтилентерефталат ишлаб чиқариш учун нархларнинг умумий таркиби 19632240 (1,6\$ кг) сўмни ташкил этди. Импорт қилинадиган ПЭТ полиэфирнинг нархи 2 - 3 \$ ни ташкил қилса, 1кг ПЭТ полиэфир тола учун 0,4 - 1,4 \$ (4908 - 17178 сўм) пул иқтисод қилинади.

### Хулоса

1. Иккиламчи полиэтилентерефталатни мақбул қайта ишлаш ечими тавсия этилган.

2. Иккиламчи полиэтилентерефталатни этиленгликолиз билан алкоголизлаб бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатни ҳосил бўлиш шароитлари, чиқиш унуми ва хоссалари ўрганилди.

3. Алкоголиз жараёнида тетрабутоксититан катализатори иштирокида олиб борилганда ҳарорат 190 дан 196 °С га кўтарилганда бир хил давомийликда турли нисбатларда ҳам бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатни чиқиш унуми деярли ўзгармалиги - 70,1, рух ацетати қўлланилганда эса 77,9 дан 83,5 % га ортгани аниқланган. Иккиламчи полиэтилентерефталатдан бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатни олиш оптимал режими деб - ҳарорат - 196°С, давомийлик 4 соат ва катализатор сифатида рух ацетати танланди.

4. Синтез қилинган бис-(2-гидроксиэтилен)терефталат ва улар асосидаги полиэтилентерефталатни физик-кимёвий, технологик хоссалари аниқланди, тузилиши замонавий ИҚ- ва ПМР - спектрлари билан таҳлил қилинган. Олинган таҳлил натижалари саноат полиэтилентерефталат намуналари билан солиштирилганда тўлиқ мос келиши аниқланди.

5. Бис-(2-гидроксиэтилен)терефталатдан турли мақсадли ва технологик хоссаларга эга бўлган полиэтилентерефталат олиш режимлари ишлаб чиқилди;

6. Синтез қилинган толали марка полиэтилентерефталатдан ПЭТ тола ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилди ва синов намуналари олинди. Ишлаб чиқилган технология асосида ярим саноат шароитида 100 кг ишлаб чиқилди, олинган ПЭТ полиэфир тола нархининг импорт қилинадиган ПЭТ пой толадан арзонлиги аниқланган ҳамда импорт ПЭТ пой толани ўрнига ишлатиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**АБДУВОХИДОВ ИКБОЛ КУРВОНАЛИЕВИЧ**

**СИНТЕЗ БИС-(2-ГИДРОКСИЭТИЛЕН)-ТЕРЕФТАЛАТА НА ОСНОВЕ  
ВТОРИЧНОГО ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТА И ИЗУЧЕНИЕ  
УСЛОВИЙ ПОЛУЧЕНИЯ ПЕРВИЧНОГО  
ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТА НА ЕГО ОСНОВЕ**

**02.00.14-Технология органических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.2.PhD/T4549.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tcti.uz](http://www.tcti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

Научный руководитель:

Адилов Равшан Иркинович  
доктор технических наук, профессор

Официальные  
оппоненты:

Кодиров Тулкин Жумаевич  
доктор технических наук, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович  
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 8 » 06 2024 г. в 13<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.К.Т.04.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел: (998-71) 244-79-20, факс: (998-71) 244-79-17, e-mail: [info@tcti.uz](mailto:info@tcti.uz), [www.tcti.uz](http://www.tcti.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 784с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел: (998-71) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан « 6 » 05 2024 года.  
(протокол рассылки № 484от « 6 » 05 2024 года).



С.М. Туробжонов

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., академик

Х.И. Кодиров

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Г.Р. Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня производство текстильной продукции стало основной составляющей производственной структуры общества. На сегодняшний день объем производства полимера полиэтилентерефталата в мире увеличился до 82,0 млн. тонны. 27 % полиэтилентерефталата используется при производстве полимерной упаковки - бутылок, около 65% при производстве полиэфирного волокна, 8% при производстве пленки. Улучшение технологических свойств синтетических полиэфирных волокон для производства текстильной продукции является актуальной задачей. При этом важно внедрить в практику производство первичного полиэтилентерефталата путем переработки вторичного сырья, в частности вторичного полиэтилентерефталата.

Проводятся научные исследования по производству различной продукции для народного хозяйства путем химической переработки бытовых отходов, содержащих полиэтилентерефталат. В связи с этим особое внимание уделяется созданию и испытанию технологий производства эффективной переработки вторичного полиэтилентерефталата, получению бисгидроксиэтилентерефталата алкоголизацией ионными жидкостями, получению бисгидрокситерефталата алкоголизацией этиленгликолем в различных соотношениях и в присутствии ацетатов, оксидов, титан содержащих соединений, ионных жидкостей, разработке материалов, использование которых возможна в промышленных целях.

В Республике на основе отечественного сырья и вторичных продуктов были достигнуты научные и практические результаты по совершенствованию производства импортозамещающих высококачественных синтетических (полиэфирных) волокон и пряжи, и испытанию их эффективности в различных агрессивных средах. Стратегия развития нового Узбекистана определяет важные задачи, направленные на «создание технологий для получения импортозамещающих материалов из местного сырья и вторичных ресурсов»<sup>1</sup>. Важным в этом отношении является производство качественных синтетических (полиэфирных) волокон и пряжи, которые являются экономически выгодными и экологически безопасными для воспроизводства полиэтилентерефталата, а также постоянное совершенствование существующих технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и эффективности наук в области химии и биологии», №УП-5953 от 2 марта 2020 года «О государственной программе реализации в Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» и УП-3264 от 29 августа 2017 г. «Об экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» а также других нормативно-правовых документов, принятыми в данной сфере.

---

<sup>1</sup> Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики Узбекистан VII «Химическая технология и нанотехнология».

